

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЛАЛМИКОР ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ НУРИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ (*Triticum aestivum* L.) ИССИҚЛИККА ВА
СУВСИЗЛИККА ЧИДАМЛИ, МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ
ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Юсупов Нуриддин Хасанович

Юмшоқ буғдойнинг (*Triticum aestivum* L.) иссиқликка ва сувсизликка чидамли, маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган навларини яратиш..... 3

Юсупов Нуриддин Хасанович

Создание сортов мягкой пшеницы (*Triticum aestivum* L.), устойчивых к жаре и засухе, с высокими показателями продуктивности..... 31

Yusupov Nuriddin Xasanovich

Development of varieties of bread wheat (*Triticum aestivum* L.), resistant to heat and drought, with high productivity parameters..... 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 61

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 -РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЛАЛМИКОР ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ НУРИДДИН ХАСАНОВИЧ

**ЮМШОҚ БУҒДОЙНИНГ (*Triticum aestivum* L.) ИССИҚЛИККА ВА
СУВСИЗЛИККА ЧИДАМЛИ, МАҲСУЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ
ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Qx300 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик (DSc) диссертацияси Лалмикор дехқончилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Аликулов Сафар Менгликулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Қаршиева Умида Шукуровна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/08.05.2024.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат «___» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел: (+99871) 150-62-78; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин. (№___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги 4 рақамли реестр баённомаси).

Ш.Э. Намазов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к.х.ф.д., академик

М.Б. Халикова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.д., профессор

С-А. Раҳмонкулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор, ЎзҚХФА мухбир аъзоси

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашда бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифатини ошириш, тезпишар, ноқулай ташки муҳит омилларига чидамли бўлган навларни яратиш бугунги кундаги ғаллачиликнинг энг муҳим аҳамиятга молик вазифалардан бири ҳисобланади. FAO маълумотларига кўра “2024 йил учун глобал буғдой ишлаб чиқариш прогнози 789,0 миллион тоннани ташкил этиб, бу 2023 йилдаги ишлаб чиқаришдан 0,6 фоизга (5,2 миллион тонна) кўп демакдир”¹. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг оқсилга бўлган эҳтиёжининг 70 фоизи асосан буғдой, дуккакли дон ва бошқа экинлар улушига, қолган қисми эса соя ва паррандачилик маҳсулотлари улушига тўғри келади. Буғдой дони етиштиришни янада кўпайтириш, асосан ҳосилдорликни ошириш ва турли стресс омиллар таъсирида йўқотишларни камайтириш ҳисобига амалга оширилади. Шу боис буғдойнинг стресс омилларга бардошли навларини яратишда жаҳон коллекция материалларининг морфологик, генетик ва физиологик жиҳатларини тадқиқ қилиш заруриятдир.

Дунё селекционер олимлари томонидан бошоқли дон экинлари, жумладан юмшоқ буғдой ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш ҳамда нонбоплигини яхшилаш бўйича селекция ишлари жадал олиб борилмоқда. Сўнгги ўн йилликлар мобайнида дунё миқёсида иқлимнинг глобал иссиши натижасида буғдойнинг критик ўсиш ва ривожланиши босқичида сув ресурслари танқислиги, юқори ҳарорат ва қурғоқчилик тез-тез кузатилмоқда. Буғдойнинг мосланувчанлик қобилияти, биологик хусусиятлари ҳамда генетик таъминланган миқдорий белгиларига ўсиш ва ривожланиш даврида ташки муҳит ўзгариши таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Республикамизда буғдой етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича катта ислохотлар амалга оширилмоқда, жумладан, юмшоқ буғдойнинг хориждан интродукция қилинган, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган навларидан маҳаллий шароитга мослашганлари танланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Бутун дунёдаги каби Республикамиз ҳудудида ҳам иқлимнинг глобал иссиши натижасида суғориладиган майдонларда буғдойнинг энг муҳим босқичларида (гуллаш-сутмум пишиш) ҳаво ҳароратининг кескин кўтарилиши, ҳаво нисбий намлигининг пасайиши натижасида ўсимликларда физиологик ва биокимёвий жараёнлар секинлашади. Бунинг оқибатида кузги буғдой дони ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичлари пасаяди. Ўзбекистон Республикасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...биологик эскирган навлар ўрнига серҳосил, эртапишар ва дон сифати юқори бўлган касаллик ва зараркунандаларга чидамли бўлган янги буғдой навларини яратиш ... ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» вазифалари

¹<https://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, шу билан бирга ташқи муҳитнинг абиотик ва биотик омилларига чидамли навларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёти стратегияси” тўғрисидаги фармони², Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2020 йил 08 сентябр 546 сон “2021 йилда бошоқли дон етиштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги³, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2024 йил 11 июндаги 325-сон “2024 йил ҳосилидан буғдой харид қилиш ва ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги⁴ қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.

Дунёда кузги буғдой селекциясида буғдойнинг серҳосил, иссиқликка, қурғоқчиликка, касалликларга чидамли маҳсулдор нав ва тизмаларини яратишга қаратилган илмий тадқиқотлар хорижий етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, шу жумладан International Maize and Wheat Improvement Center; CIMMYT), Consultative Group on International Agricultural Research (CGIAR), International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) ҳалқаро марказларида олиб борилмоқда.

Буғдойнинг юқори ҳароратга ва сувсизликка чидамли, маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган навларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: америкалик селекционерларнинг Туркия билан ҳамкорликда катта ютуғи қурғоқчиликка чидамли кузги буғдойнинг Kiowa и Bison навлари яратилган, Австралияда занг касаллигига чидамли буғдой навларини яратишда Сидней университети профессори P.Waterhouse тажрибаларида Стекман шкаласи бўйича занг касалликларининг дифференциал штаммлари ажратилиб, машхур (ген Sr 11) ва Kendee (ген Sr 6) иммун навлари яратилган. I.Votson, T.T.Timopheev танлашда бошқа донорларни самарали жалб қилиш орқали, полиген чидамлилиқ асосида Mekdos (ген Sr 11, ген Sr 17, ген Sr Tt). навларини яратишга муваффақ бўлган. Селекция жараёнларига юқори чидамли иммунли

²<https://lex.uz/docs/5841063>

³<https://lex.uz/pdfs/4988675>

⁴<https://www.lex.uz/docs/6971170>

Avocet, VanKS, Cook, Milling, Timson ва бошқа навлардан фойдаланишга рухсат берилган.

Буюк Британияда селекционер олимлар буғдой ҳосилдорлигини ошириш ва дон сифатини яхшилашга катта эътибор қаратилиб, Қозоғистон олимлари билан ҳамкорликда олиб борган тадқиқотлари натижасида сарик, қўнғир ва поя барг зангига чидамли Maris, Wimrod, Margin, Freman навлари яратилган. Францияда буғдой етиштиришда муҳим таъсир қилувчи омиллардан бири ҳисобланган септориоз ва серкоспориоз касалликларига чидамлилиги бўйича муаллифлар *Aegilops Ventricosa*, *Ae. Cilindrica*, *Ae. Tauschi*, *T. Dicocum* *T. Monococum*. тур хилларидан дурагайлашга жалб қилишни тавсия қилинган. Вавилов Н.И. номидаги Бутунроссия ўсимлик генетик ресурслари институти Федерал тадқиқот марказида юмшоқ буғдойнинг Рико, Фотон, Фори намуналарини детерминация қилишда Eps генидан ташқари, Vrn- A1, Vrn- B1, Vrn- D1, Ppd- D1 и Ppd- B1 генларидан фойдаланилган ҳолда шакллари аниқлайдиган полигенлар блоки (модификаторлар) тажрибаларида ультраэртапишар ва юқори маҳсулдорликни бирлаштирилган буғдой рекомбинантларини яратиш имконияти кўрсатилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг ҳамда Республикамизнинг кўплаб илмий тадқиқот муассасаларида ташқи муҳитнинг ноқулай абиотик ва биотик омилларига чидамли, маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган юмшоқ буғдой навларини яратишда селекционер олимлардан П.П.Лукьяненко, Н.И.Вавилов, R.Sharma, K.Nazari, A.Morgounov, R.Mcintosh, G.Singh, P.A.Удачин, А.Ковалев, А.Аманов, С.Ғайбуллаев, С.Бабоев, Р.Сиддиқов, А.Хайитбоев, Н.Умиров ва бошқа кўплаб олимлар томонидан кенг қўламдаги тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунёнинг бир қатор етакчи халқаро илмий марказлари ICARDA (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas), International Maize and Wheat Improvement Center (CIMMYT, Мексика), Россия Ўсимликшунослик илмий тадқиқот институти ва бошқа илмий муассасалар билан ўзаро ҳамкорликда географик келиб чиқиши турлича бўлган юмшоқ буғдой нав намуналарини танлаш ва чатиштириш йўли билан иссиқликка, касалликларга чидамли маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган янги навларни яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилди.

Бугунги кунда дунёда, шунингдек республикамизда ҳам кузатилаётган иссиқ ва қуруқ иқлим шароит, кейинги йилларда тупроқ унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатининг пасайиши, сув танқислиги, тупроқ ва ҳаво қурғоқчилиги юзага келадиган суғориладиган майдонлар учун янги кузги буғдой навларини яратиш долзарб аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий -тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг илмий ишлари режасига киритилган ҚХА-8-051-2015 рақамли “Республиканинг суғориладиган майдонлари учун ноқулай шароитларига (иссиққа, қурғоқчиликка, шўрга, касалликка ва сувсизликка) чидамли,

серхосил, дон сифати юқори юмшоқ буғдой навларини яратиш” (2015-2017 йй.), ҚХ-А-ҚХ-2018-100 рақамли «Суғориладиган майдонлар учун юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг факультатив типдаги иссиқликка, касалликларга чидамли, дон сифати юқори бўлган серхосил навларини яратиш» (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади суғориладиган майдонлар учун юмшоқ буғдойнинг иссиқликка, қурғоқчиликка, касалликларга чидамли қимматли-хўжалик белгилари бўйича юқори маҳсулдорликка эга бўлган янги навларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

турли экологик типдаги юмшоқ буғдойнинг географик келиб чиқиши турлича бўлган юмшоқ буғдой нав намуналарини морфологик, биологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларини аниқлаш;

турли экологик типдаги кузги юмшоқ буғдойнинг селекция усулларидадан фойдаланган ҳолда юмшоқ буғдой нав намуналарини ўсув даври давомийлиги, уларнинг морфологик, биологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича танлаш;

танлаб олинган кузги юмшоқ буғдойнинг нав намуналарини истиқболли навлар билан дурагайлаш мақсадида морфологик, биологик ва қимматли-хўжалик белгилари бўйича ота-она шакллари танлаш;

кузги юмшоқ буғдойнинг географик узок шакллари тур ичидаги дурагайлаш усули билан олинган дурагай бўғинларида (F_1 - F_3) маҳсулдорлик белгиларининг авлоддан - авлодга ўтиш хусусиятларини аниқлаш;

юмшоқ буғдой дурагайларининг (F_1 - F_3) бўғинларида маҳсулдорлик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва миқдорий белгиларининг коррелятив боғлиқлигини аниқлаш;

кузги юмшоқ буғдойнинг назорат, рақобат нав синовларида селекция манбаларини баҳолаш ва тупроқ иқлим шароитларига мос истиқболли нав ва тизмаларини аниқлаш;

юмшоқ буғдойнинг морфологик, биологик, қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларига эга нав намуналари ва тизмаларини селекция жараёнга жалб этиш асосида янги истиқболли буғдой навларини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти, халқаро илмий марказлар ICARDA (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas), International Maize and Wheat Improvement Center (CIMMYT, Мексика) ҳамда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти нав ва намуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети кузги юмшоқ буғдой нав намуналари, тизмалари ва дурагай авлодларнинг ўсиш ва ривожланиши, ташқи муҳитнинг ноқулай абиотик ва биотик омилларига, қимматли-хўжалик ва морфофизиологик кўрсаткичларнинг ирсийланиши, коррелятив боғлиқлиги, ҳосилдорлик ва доннинг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва лаборатория шароитларда тажрибаларда кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар Бутунроссия Ўсимликшунослик

илмий-тадқиқот институти (1984), “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПИТИ, 2007), биометрик таҳлиллар қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат нав синаш комиссиясининг услуби (1989), Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Ғаллаорол илмий-тажриба станцияси томонидан тавсия этилган (2004) услубий кўрсатмалари, ирсий белгиларнинг намоён бўлиш даражаси F. Petr, K. Frey (1966), наслдан-наслга берилиши эса J.Mahmud, H.Kramer (1951) формуласи бўйича, занг касалликларига дала шароитида чидамлиликини баҳолаш Modified Cobb шкаласи ёрдамида Peterson ва бошқалар, 1948) олиб борилди. Иссиқликка чидамлилики Н.Кожушко (1984) услуби асосида, олинган маълумотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги Б.А.Доспехов (1985) дисперсион услубида статистик таҳлил қилинган, ҳосилдорлик Stat View (www.statview.com, SAS Institute Inc) дастурида ва дисперсия таҳлили ANOVA дастури ёрдамида аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турли экологик типдаги юмшоқ буғдойнинг интродукция қилинган жаҳон коллекцияси нав намуналари морфологик, биологик ва қимматли-хўжалик белги ва хусусиятларини аниқланиб, ташқи муҳит ноқулай омилларига (иссиқликка, қурғоқчиликка, касалликларга) чидамли бўлган намуналар бошланғич манба сифатида танлаб олинган;

умумий дон ҳосилдорлигига энг катта ҳисса қўшувчи структура элементлари бир бошоқдаги дон сони ($r=0,58$) ва вазни ($r=0,60$) эканлиги, энг юқори корреляцион боғлиқлик бир бошоқдаги дон сони ва вазни орасида ($r=0,86$) бўлиб, энг паст кўрсаткич 1000 дона дон вазни билан бошоқчалар сони ($r=0,02$) га тенг эканлиги аниқланган;

иссиқликка чидамлилиги бўйича танлаб олинган намуналарда байроқ баргнинг эгилиш бурчаги 15° - 30° ни ташкил этиши ва иссиқликка чидамли навларнинг вертикал тик ўсувчи байроқ барглари эга эканлиги аниқланган;

бир бошоқдаги дон сони, 1000 дона дон вазни белгилари доминант ва оралиқ ҳолда, F_1 бўғинда бошоқ узунлиги кўрсаткичлари доминант ҳолда баъзи комбинацияларда салбий гетерозис ҳолида ирсийланиши ва бу F_2 бўғинда ўнг томонлама трансгрессияга эга бўлган шаклларни ажралиб чиқишини таъминлаши аниқланган;

кузги юмшоқ буғдойнинг географик узок шаклларини тур ичидаги дурагайлаш усули билан олинган дурагай авлодларида (F_1 - F_3) маҳсулдорлик белгилари биринчи авлодда оралиқ ва доминант ҳолда ирсийланиши, иккинчи авлодда ўнг томонлама трансгрессияга эга бўлган шакллар аниқланган;

юмшоқ буғдойнинг дурагайларининг F_1 - F_3 авлодларида маҳсулдорлик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва миқдорий белгилардан бир бошоқдаги дон сони ($r=0,58$) ва вазни ($r=0,62$), 1000 дона дон вазни билан ($r=0,412$), умумий ҳосилдорлик билан ижобий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги ва бу танловлар самарали бўлишини таъминлаши исботланган;

оддий чатиштиришлар асосида дурагай комбинацияларнинг F_1 - F_3 бўғинларида қимматли хўжалик белгиларига эга дурагай популяциялари ичидан

иссиқликка ва сувсизликка бардошли ҳосилдор янги тизмалар танлаб олинган, “Музбулок” ва “Санзар-40” навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги юмшоқ буғдойнинг иссиқликка чидамлилики хусусияти бўйича андоза навга нисбатан 2,5-3,0 °С юқори ҳароратда баргдаги сувда эрийдиган оксилларнинг коагуляцияси ATTIAL*2/PBW65/YAKAR, K-2269 (JPN), LCR/SERI/3/MEX-DW/BACA, PREMIO/WBLL1//BECARD ATTIAL*2/PBW65/YAKAR намуналари ҳамда F₁- F₃ дурагай авлодларининг 18 та дурагай комбинациялари андоза навдан 1,5-2,0% юқори нав намуналари танлаб олинган;

дурагайларнинг F₁ - F₃ авлодларида қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлиги бўйича баргдаги сувда эрийдиган оксилларнинг коагуляция ҳарорати (°С), 1000 дона дон вазни, байроқча барг эгилиш бурчаги, барг сатҳи, ундаги умумий сув миқдори, шунингдек поянинг юқори ҳамда пастки бўғин узунлиги юқори кўрсаткичларга эга бўлган дурагай комбинациялар танлаб олинган;

нав намуналар ва дурагайларнинг F₁-F₃ авлодлари вегетация давомида уларнинг умумий ҳўл биомасса оғирлиги, шу жумладан поя оғирлиги, барглар оғирлиги, бошоқ оғирлиги, илдиз оғирлиги каби кўрсаткичлари юқори бўлганлар танлаб олинган ҳамда селекция жараёнларига тавсия этилган;

рақобат нав синаш кўчатзорида ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича андоза навдан юқори бўлган КП-184/2017 тизмаси танлаб олинган ва янги нав сифатида “Музбулок” номи билан Давлат нав синаш марказига топширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тажрибаларда олинган илмий ва амалий натижалар апробация комиссияси мутахассислари томонидан кўриқдан ўтказилганлиги, тадқиқотлар доирасида олинган назарий ҳамда амалий натижаларнинг бир-бири билан ўзаро мос келиши, натижаларнинг статистик ишловлар орқали ишончлилик даражасининг исботланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан ўзаро таққосланганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокама этилганлиги, илмий изланишлар услубий жиҳатдан тўғри қўйилганлиги, қонуният ва хулосаларнинг асосланганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўсимликнинг морфологик ва физиологик белгиларига қараб (байроқча барг эгилиш бурчаги, барг сатҳи, ундаги умумий сув миқдори, шунингдек поянинг юқори ҳамда пастки бўғин узунлиги, ўсимлик бўйи) нав намуналарнинг иссиқликка, қурғоқчиликка чидамлилиги, дурагайларнинг F₁ - F₃ авлодларида қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлигини баҳолашда уларнинг баргдаги сувда эрийдиган оксилларнинг коагуляция ҳарорати (°С), 1000 дона дон вазни, байроқча барг эгилиш бурчаги, барг сатҳи, ундаги умумий сув миқдори, поянинг юқори ҳамда пастки бўғин узунлиги ҳамда ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгиларнинг коррелятив боғланишдан фойдаланиш мумкинлигини илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кузги юмшоқ буғдойнинг намуналари, тизмалари ҳамда дурагайларнинг F₁ - F₃ авлодларида иссиқликка, қурғоқчиликка, касалликларга чидамлиги бўйича кўрсаткичлари юқори бўлган дурагай комбинациялари танлаб олинганлиги ҳамда танлаб олинган коллекция материалларини истиқболли навлар билан чапиштириш асосида қатор тизмалар ажратиб олинганлиги ва янги навлар яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган майдонларда юмшоқ буғдойнинг иссиқликка, қурғоқчиликка, касалликларга чидамли юқори маҳсулдорликка эга бўлган навларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

кузги юмшоқ буғдойнинг иссиқликка, қурғоқчиликка, касалликларга чидамли “Музбулоқ” нави яратилган ҳамда Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилиб, 1,5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрдаги 05/05-02/866-сон маълумотномаси). Натижада, юмшоқ буғдойнинг “Замин-1” навига нисбатан гектарига 10,8-14,3 центнергача юқори сифатли уруғлик тайёрлаш имконини берган;

кузги юмшоқ буғдойнинг иссиқликка, шўрга, қурғоқчиликка, касалликларга чидамли, дон сифати, ҳосилдорлиги юқори бўлган “Санзар-40” нави яратилган ҳамда Лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба хўжалигида бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилиб, 1,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрдаги № 05/05-02/866-сон маълумотномаси). Натижада, навларнинг экин майдонини кенгайтириш мақсадида етарли миқдорда яқка танлов ва оилавий терим намуналари уруғлиги тайёрланган;

юмшоқ буғдойнинг “Санзар-40” нави Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги “Зафаробод ишончи” фермер хўжалигида 24 гектар, “Тоштемир ота” фермер хўжалигида 18 гектар, Дўстлик туманидаги “Канан бобо” фермер хўжалигида 20 гектар, жами 62,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрдаги № 05/05-02/866-сон маълумотномаси). Натижада, юмшоқ буғдойнинг “Дўстлик” навига нисбатан 8,5-11,4 ц/га қўшимча ҳосил олиниб, рентабеллик даражаси 34,7-36,5 фоизни ташкил этишига имкон берган;

юмшоқ буғдойнинг “Музбулоқ” ва “Санзар-40” навларининг оригинал уруғлари Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти коллекция генофондига топширилган ва амалий селекцияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2024 йил 8 октябрдаги № 05/05-02/866-сон маълумотномаси). Натижада, буғдойнинг коллекция генофонди маҳаллий тупроқ-иқлим шароитларига мос, иссиқликка,

шўрга, қурғоқчиликка чидамли юқори маҳсулдорликка эга янги навлари билан бойитилган ва янги манбалар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 6 та, шу жумладан 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Юмшоқ буғдойнинг ташқи муҳит омилларига чидамлилиги, қимматли хўжалик белгилари ўзгарувчанлиги, ирсийланиши”** деб номланган биринчи бобида буғдой селекцияси бўйича охириги ўн йилда эришилган энг замонавий ютуқлар таҳил қилинган. Юмшоқ буғдойда турли стресс омиллар, жумладан сув танқислигига бардошли навларни танлашда унинг морфофизиологик кўрсаткичлари билан бир вақтда бардошлилик ва таъсирчанлик индексларидан ҳамда генотипларнинг турли шароитларда барқарор ҳосил бера олишини кўрсатадиган барқарорлик индексларидан фойдаланиш селекция жарёнини тезлатишда ва мақсадли танлов олиб боришда яхши самара бериши кўрсатилган. Дон шаклланишида баргларнинг фотосинтетик фаоллигининг ортиши селекцияда ҳосилдорлик ва сифатнинг ошишида жуда истиқболли йўналиш бўлиши мумкинлиги, фотосинтез фаоллиги билан клейковина ва оксил миқдори ўртасида, қурғоқчилик даврларда ўсимликларнинг ҳосилдорлик ва барглари ҳамда бошоқларининг сувни ушлаб туриш қобилияти ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлиги келтирилган.

Бугунги кунда буғдой селекциясининг асосий вазифаси ҳар бир муайян агроэкологик шароитлар учун генетик юқори ҳосилдорлик салоҳиятига ва сифатга эга бўлган навларни яратиш ҳисобланади. Бу вазифаларни муваффақият билан бажаришда ҳар бир алоҳида олинган ўсимликнинг

маҳсулдорлиги билан узвий равишда боғланган қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиш даражасини (авлоддан авлодга ўтиши) ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Генотипик ва географик келиб чиқиши хусусиятлари турлича бўлган ота-она шаклларида олинган дурагайларда гетерозис юзага келади ҳамда турли тупроқ-иклим шароитларда етиштирилганда ўзларининг белги ва хусусиятларини намоён этади.

Маҳсулдор тупланиш ва ҳосилдорлик ўртасида коррелятив боғлиқлик бўлиб, ўсимликнинг генотипик хусусиятлари ҳамда ўсимликнинг ўсиш шароитларига қараб ўзгариши мумкин. Маҳсулдор тупланиш айниқса суғориладиган майдонларда яққол намоён бўлади. Маҳсулдор тупланиш билан ҳосилдорлик ўртасида ижобий коррелятив боғлиқлик мавжудлиги қайд этилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотларни ўтказиш жойи, шароити, материаллари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институтнинг Д.Йўлдошев СИУ худудида жойлашган суғориладиган тажриба-уруғчилик участкасининг тупроқ-иклим, агроэкологик шароитлари, тажриба даласининг тупроқлари эскидан суғориладиган, органик ва минерал озика моддалар билан кам таъминланган типик бўз тупроқлардан иборат эканлиги, тажрибалар кўйилган худуднинг ўртача ойлик ҳарорати $11,6^{\circ}\text{C}$ ни, январ ойидаги минимал ҳарорат -35°C , июн ойидаги максимум ҳарорат эса 45°C иссиқни, ёғингарчиликнинг кўп йиллик, ўртача меъёри 361 мм ни ташкил этган.

Тадқиқот объекти сифатида юмшоқ буғдойнинг генотипик ва географик келиб чиқиши турлича бўлган жаҳон коллекцияси нав намуналари, F_1 , F_2 ва F_3 дурагай авлодлари, назорат ва рақобат нав синаш кўчатзоридаги намуналардан фойдаланилган. Коллекция кўчатзорида нав ва намуналар уруғи 1 м^2 майдонга 500 дона тўлиқ унувчан уруғ ҳисобида, назорат кўчатзорида нав ва линиялар 10 м^2 да уч қайтариқда, рақобат нав синовидида 25 м^2 ($1,25 \times 20,0\text{ м}$) майдончада 5,0 млн. дона унувчан уруғ ҳисобида 4 қайтариқда жойлаштирилган.

Морфологик ва биометрик таҳлиллар қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат нав синаш комиссиясининг услуги, фенологик кузатишлар ҳар бир фазани бошланиши 10 фоиз ва тугаши ялпи 75 фоиз ўсимликда ҳосил бўлганда аниқланган. Занг касалликларини баҳолаш Петерсон ва Маннерс шкаласи бўйича, қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилиқ даражаси лабораторияда ВИР методикаси асосида ундириб кўриш орқали аниқланган. Дон таркибидаги клейковина миқдори ГОСТ 13586.1-68, дон натураси ГОСТ 3040-55, 1000 дона дон вазни ГОСТ 10842-89 бўйича аниқланган.

Миқдорий белгиларнинг ирсийланиш характерини аниқлаш учун доминантлик даражаси (h^2) Бейла и Аткинса (1965) формуласидан фойдаланилган. Биометрик параметрлар (бошоқ узунлиги ва ўсимлик баландлиги) иккита кўшни бўлмаган репликацияда ҳар бир участкадан танланган 50 та ўсимликда аниқланган. Тадқиқотларнинг ишончилиги, белгиларнинг ўзгарувчанлиги ва лаборатория тадқиқотлари $P 0,01$, дала

тадқиқотлари - P 0,05, гибридологик таҳиллар учун - P 0,001 даражасида аниқланди. Вариация коэффициенти (C_v , %), стандарт оғиш (S) ва эксперимент хатолиги (S_x) MS Excel дастурида фойдаланилиб, E. R. Ehrmantraut et al. (2000) услубида аниқланган.

Диссертациянинг “Иссиқликка ва сувсизликка бардошли юмшоқ буғдой навларининг қимматли хўжалик белгилари” деб номланган учинчи бобида юмшоқ буғдой ўсимлигининг ўсув даври давомийлиги таҳлилида «униб чиқиш-бошоқлаш» даврининг давомийлиги Ўсимликлар генетик ресурслари институти коллекциясидан олинган юмшоқ буғдой нав намуналарнинг униб чиқиш-бошоқлаш даври давомийлиги ўртача кўрсаткичи андоза Замин-1 навига (179 кун) нисбатан 3 кун эрта эканлиги кузатилган. СИММУТ халқаро ташкилотидан олинган IWWIP 27 th FAWWON-IRR коллекция кўчатзори нав намуналарида 174-176 кунни, ВСТР 20 th HTSBWYT кўчатзорида 173-175 кунни ташкил этган нав намуналар борлиги аниқланган. Бошоқли дон экинларида дон тўлишиш даври учун энг мақбул ҳаво ҳарорати 20-25 °C бўлиб, бу даврда юзага келадиган тупроқ ва ҳаво қурғоқчилиги, гармселнинг рўй бериши доннинг қисқа муддатда пишишига сабаб бўлади. Андоза Замин-1 навининг «бошоқлаш-пишиш» даври ўртача 41 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич танлаб олинган намуналарда 37-39 кунни, баъзи намуналарда 40 кунни ташкил этди ва андоза навга нисбатан эртапишар намуналар ажратиб олинган. Юмшоқ буғдойнинг географик келиб чиқиши турлича бўлган нав намуналарида «униб чиқиш-пишиш» даври давомийлиги ўртача 216,7 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич андоза навда 220 кунни ташкил этган.

Ўсимликлар генетик ресурслари коллекцияси, FAWWON-IRR ва HTSBWYT кўчатзорларидан олинган намуналарнинг хосилдорликни таъминловчи белгилари (бошоқ узунлиги, бир бошоқдаги бошоқчалар сони, бир бошоқдаги дон сони ва вазни, 1000 дона дон вазни ва бир метр квадратдаги умумий дон хосилдорлиги каби кўрсаткичлари Stat View ва ANOVA дастури ёрдамида дастурида математик таҳлил қилинган (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрганилган барча кўчатзорлардаги хосилдорликни таъминловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичлар	ВИР коллекция кўчатзори	FAWWON-IRR кўчатзори	HTSBWYT коллекция кўчатзори
Бошоқ узунлиги, см	9,66	9,92	9,88
Бошоқчалар сони, дона	17,05	18,24	18,24
Бошоқдаги дон сони, дона	55,26	58,65	51,68
Бошоқдаги дон вазни, г	1,93	2,07	2,0
1000 дона дон вазни, г	40,49	41,88	42,03
Ҳосилдорлик, м ² /г	588,36	611,6	613,87

Ушбу кўчатзорлардаги ҳосилдорлик белгилари бўйича юқори полиморфизм кузатилмаган бўлсада, бошоқдаги дон сони бўйича FAWWON-IRR кучатзорида ўртача 58,65 ташкил этиб энг юқори кўрсаткичга эга бўлган бўлса, 1000 дон дон вазни ва бир метр квадратдаги умумий дон ҳосилдорлиги кўрсаткичлари бўйича HTSBWYT коллекция кўчатзоридан олинган намуналарда кузатилган.

Тадқиқотда иштирок этган нав намуналарининг ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгилари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик *Statgraphics 18* дастурида таҳлил қилинган.

Бунда энг юқори корреляцион боғлиқлик бир бошоқдаги дон сони ва вазни орасида бўлиб $r=0,86$ га тенг бўлган бўлса, энг паст кўрсаткич 1000 дон дон вазни билан бошоқчалар сони ($r=0,03$), бошоқ узунлиги ($r=0,14$) ва бир бошоқдаги дон сони ($r=0,19$) га тенг бўлди, бир бошоқдаги дон сони билан ($r=0,39$) ни кўрсатди. Умумий ҳосилдорликка энг катта хисса қўшувчи миқдорий белгилар бир бошоқдаги дон сони ($r=0,58$) ва вазни ($r=0,62$) эканлиги кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўрганилган намуналарда ҳосилдорликни таъминловчи асосий миқдорий белгилар ва ҳосилдорлик орасидаги корреляцион боғлиқлик

	Бошоқ узунлиги	Бошоқчалар сони	Бир бошоқдаги дон сони	Бир бошоқдаги дон вазни	1000 дон вазни	Ҳосилдорлик
Бошоқ узунлиги		0,49***	0,40**	0,45**	0,14*	0,31**
Бошоқчалар сони	0,49***		0,60***	0,56***	0,03	0,42***
Бир бошоқдаги дон сони	0,39**	0,60***		0,86***	0,19	0,58***
Бир бошоқдаги дон вазни	0,45**	0,55***	0,87***		0,39**	0,62***
1000 дон вазни	0,14	0,03	0,19	0,39**		0,41***
Ҳосилдорлик	0,12	0,32***	0,58	0,62	0,41	

* $P>0,001$, ** $P>0,01$, * $P.>0,1$


Ўрганилаётган намуналарда кластер таҳлили ўтказиш учун ҳар бир намунадан 10 тадан типик ўсимликлар танлаб олинган ва ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги, бир бошоқдаги бошоқчалар сони, дон сони ва вазни ҳамда 1000 дон дон вазни каби кўрсаткичлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Олинган натижалар статистик таҳлил қилинган ва махсус Heat Map усулида кластер таҳлили ўтказилган. Бунда асосий ўзгарувчилар сифатида бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, бошоқдаги дон сони, бошоқдаги дон вазни ва иккинчи гуруҳда 1000 дон дон вазни, ҳосилдорлик иштирок этди. Расмда қайси белги бўйича ўзгарувчанлик юқори бўлса ранги ўзгариб бориши келтирилган. Бунда энг катта ўзгарувчанликни бир бошоқдаги дон сони ва кейинги ўринда бошоқчалар сонидан кузатилган.

Олинган натижаларда ҳар учала кўчатзордаги намуналар бир неча

кўрсаткичлари бўйича бир-бирига яқин бўлган намуналар киритилган. Ҳар учала кўчатзорда назорат сифатида иштирок этган Замин-1 навининг кўрсаткичлари яқин бўлиб, бир кластер гуруҳига киритилиши тажрибалар тўғри ўтказилганлиги ҳар учала кўчатзорда ҳам деярли бир хил шароит яратилганлигини билдиради.

Иккинчи кластерга Ўсимликлар генетик ресурслари институтидан олинган намуналардан 7 та намуна, (IWWIP 27 th FAWWON-IRR коллекция кўчатзоридан 4 та намуна, ва (ВСТР 20 th HTSBWYT) коллекция кўчатзоридан 3 та намуна киритилган.



1-расм. Нав намуналар кўчатзоридagi Ҳосилдорликни таъминловчи кўрсаткичлари бўйича кластер таҳили

Диссертациянинг **“Юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг физиологик белги ва хусусиятлари”** деб номланган тўртинчи бобида кузги буғдойнинг вегетация давомида ҳўл ва қуруқ биомасса тўплаш динамикаси таҳлил қилинган.

Ўсимликларнинг биомасса тўплаш ва тақсимланиши В.А.Кумаков (1982) услубида ҳар бир қайтариқдан 10 тадан ўсимлик илдизи билан олиниб, барг,

поя, илдиз, бошоқ, байроқча барг ва пастки қуриган барглари алоҳида ажратилиб, оғирлиги аниқланди. Сўнгра булар қўшилиб умумий биомасса оғирлиги аниқланган. Юмшоқ буғдой нав намуналарининг умумий хўл биомасса оғирлиги андоза Замин 1 навида 186,8 г ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич нав намуналарда ўртача 134,9-218,9 г ни ташкил этган.

Умумий хўл биомассага нисбатан бошоқ оғирлиги 30,1-43,6 г бўлиб, андоза Замин-1 навида эса бу кўрсаткич 35,9 г (19,2%) ни, ўрганилган намуналардан фақат битта намунада бу кўрсаткич 27% га тенг бўлган бўлса қолган намуналарда 17,6 дан 25,4% кузатилган. Ўсимликнинг хўл биомассаси ва унга ўсимлик органларинг улушини ўрганишдан мақсад намуналарнинг қурғоқчилик ёки иссиқликка чидамлилигини баҳолашдан иборат. Бунда гуллаш фазасида бошоқ катталиги ёки бошоқнинг умумий хўл биомассага нисбати қанчалик юқори бўлса унинг умумий ҳосилдорлиги ҳам шунча юқори бўлади. Лекин турли стресс омиллар қурғоқчилик, иссиқлик таъсир қилганда бу нисбат навнинг шу стресс омилга бардошлилигига қараб ўзгаради. Бу усул навларнинг қурғоқчилик ва иссиқликка бардошлиги бўйича баҳолаш имкониятини беради.


Таҳлил натижаларига кўра илдиз оғирлиги андоза Замин-1 навида 20,5 (11,0%) ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич нав намуналарда 14,7-27,8 г ни, энг юқори кўрсаткич эса BUL1518.4.38/4/55.1744/MEH67.1//NO57 намунаси 27,8 г. (12,7%), ORH010085/2*AGRIPRO PALOMINO-1 намунаси 27,3 (12,6%), TANAIS намунаси 24,0 (11,3%) ни ташкил этган. Умумий хўл биомассага нисбатан юмшоқ буғдой нав намуналарда поя оғирлиги тажрибаларда 78,1-118,9 г, андоза Замин-1 навида 79,6 (42,6%), барглар оғирлиги нав намуналарда 31,3-67,0 г ни (андоза 50,8 г. (27.2%) ташкил этиши кузатилган.

Юмшоқ буғдойнинг F_1 дурагай авлодларида вегетация давомида хўл биомасса тўплаши оғирлиги 143,4-223,4 г ни, андоза Замин 1 навида эса бу кўрсаткич 165,4 г ни ташкил этди. Тажрибаларда F_1 дурагай авлодларида энг юқори биомасса тўпланиши Семуруг х 123/2004 дурагайида 223,4 г, Замин 1 х Ёнбош дурагайида 210,5, Д-179 ККП х Д-17 дурагайда 202,5 г аниқланган. Бунда умумий хўл биомассага нисбатан бошоқ оғирлиги 35,1-57,2 г (андоза 38,9 (23,5%), илдиз оғирлиги 13,9-25,7 г (андоза 18,2 г (11,0%), поя оғирлиги 71,0-110,0 г, андоза Замин-1 навида бу кўрсаткич 70,4 г (42,6%) бўлган.

F_2 дурагай авлодларида вегетация давомида умумий хўл биомасса тўплаши оғирлиги ўртача 150,6-213,5 г ни, андоза Замин 1 навида эса бу кўрсаткич 165,4 г, энг юқори умумий биомасса тўпланиши Безостая 100 х Истиклол 20 дурагайда 213,5 г, Д-127 Ёнбош х СП-225/2010 дурагайда 208,7 г, Дўстлик х Безостая 100 дурагайда 195,7 г, Д-162 х Дўстлик дурагайда 175,9 г, Д-122 123/2001 х 205/2010 дурагайда 168,7 г ни ташкил этди.


Умумий хўл биомассага нисбатан бошоқ оғирлиги 29,4-48,4 г, андоза Замин-1 навида эса бу кўрсаткич 38,9 г (23,5%) ни, илдиз оғирлиги ўртача 16,2-22,6 г, (18,2 андоза), ўртача 16,2-22,6 г, барглар оғирлиги умумий биомассага нисбатан 26,7-44,9 г эканлиги аниқланди (2-расм).

Рақобат нав синов кўчатзорида танлаб олинган энг сара тизмалар ва шу худуддаги энг яхши навлар 10 м² хисобидаги майдончаларга тўрт қайтариқда экилган. Бунда андоза Замин 1 нави билан биргалиқда Дўстлик, Санзар 40 ва Зарбулоқ навлари ҳамда назорат нав синов кўчатзоридан танлаб олинган тизмалар баҳоланган. Нав ва тизмаларнинг умумий ҳўл биомасса оғирлиги андоза Замин 1 навида 186,8 г ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич нав ва тизмаларда 156,7-236,9 г ни ташкил этган.



2 расм. Юмшоқ бугдойнинг F₂ дурагай авлодларида вегетация давомида ҳўл биомасса тўплаши ва тақсимланиши кўрсаткичлари

Навлар орасида юқори умумий ҳўл биомасса Дўстлик 29 навида, энг кам кўрсаткич эса Зарбулоқ навида кузатилган бўлса, Замин 1 ва Санзар 40 навларида бу кўрсаткич бир – бирига яқин эканлиги кузатилган.



3-расм. Рақобат нав синовида нав ва тизмаларнинг вегетация давомида йиғган ҳўл бошоқнинг ҳўл пояга нисбати


Маълумки ҳосилдорликни аниқлашда ҳосил индекси кўрсаткичи асосий компонент сифатида баҳоланади. Бунда куруқ биомассанинг дон чиқимиға нисбати олинади. Бизнинг тадқиқотларимизда хўл бошоқнинг хўл поя оғирлиғига нисбати таҳлил қилинган бўлиб, бунда бу нисбат навлар орасида Дўстлик 29 навида юқори бўлиб, 0,53 га тенг бўлган бўлса, танлаб олинган тизмаларда АЭ№3/2020 ва АЭ№26/2020 тизмаларида 0,58 га ни ташкил этди. Бу кўрсаткич бўйича нав ва тизмалар ўртасида полиморфизм катта эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган юмшоқ буғдой навларининг хўл биомасса оғирлиги билан дон ҳосилдорлиги асосан салбий коррелятив боғлиқлик бўлиши, яъни хўл биомасса оғирлигининг (вегетатив массанинг) ортиқчалиги дон ҳосилдорлиғига салбий таъсир этиши қайд этилди.

Юмшоқ буғдой нав ва тизмаларида бошоқ оғирлиги билан дон ҳосилдорлиги ўртасида кучсиз ижобий боғлиқлик ($r=0,33$) мавжудлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Рақобат нав синаш кўчатзорида нав ва тизмаларнинг вегетация давомида хўл биомасса тўплаши ва ҳосилдорлик билан корреляцион боғлиқлиги



Изоҳ: GW-хўл биомасса, SW- хўл бошоқ оғирлиги, RW- илдиз оғирлиги, StW- хўл поя оғирлиги, LW- барг оғирлиги, GY- дон ҳосили. * $P > 0,05$ ** $P > 0,01$

Биометрик таҳлил натижаларига кўра, юмшоқ буғдойнинг гуллаш фазасида таҳлиллар учун олинган 10 та ўсимликнинг умумий хўл биомассаси

оғирлиги ўртача 193 г ни ташкил этди ва ўсимлик органлари бўйича куйидагича: хўл бошоқ оғирлиги 39,8 г (20%), хўл илдиз 21,4 г (11%) ва хўл поя 85,0 г (44 %) улушда тақсимланди.

Тадқиқотларда юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг хўл биомассаси оғирлигидан ташқари куруқ мутлоқ биомассаси ҳамда унинг буғдой органларидаги улуши ҳам аниқланди. Бунинг учун рақобат нав синаш кўчатзоридан олинган юмшоқ буғдой намуналари лаборатория шароитида термостат усулида аввал 50-70 °С ҳароратда 2 соат, сўнгра 105 °С ҳароратда 4-6 соат давомида мутлоқ куруқ ҳолга келтирилди. Таҳлиллар натижаларига кўра ўрганилган намуналарда умумий куруқ биомасса оғирлиги намуналар бўйича ўртача 53,9 г ни ташкил этди. Бу кўрсаткич жами хўл биомассага нисбатан 9,3% ёки 27,8% ни, умумий сув миқдори эса 72,2% ни ташкил этди (4-жадвал).

Бу кўрсаткич ўсимлик органлари орасида турлича тақсимланган бўлиб, бу кўрсаткич бошоқда 24%, илдизда 6%, пояда 23% ва баргларда 24% ташкил этиши кузатилган. Шундай қилиб энг кам сув йўқотган орган бу илдиз эканлиги аниқланган.

4- жадвал

Рақобат нав синаш кўчатзоридagi намуналар куруқ биомассанинг хўл биомассага нисбати

Манба	ҚУБ/ХУБ*	ҚБ/ХБ**	ҚИ/ХИ***	ҚП/ХП***	ҚБ/ХБ****
Замин-1 (St)	0,32	0,27	0,83	0,25	0,25
Санзар 40	0,27	0,22	0,73	0,19	0,3
Дўстлик-29	0,24	0,22	0,53	0,2	0,2
Зарбулоқ	0,27	0,23	0,68	0,25	0,29
КП-85/2017	0,21	0,23	0,82	0,17	0,26
КП-183/2017	0,26	0,2	0,67	0,2	0,21
КП-184/2017	0,27	0,32	0,61	0,19	0,26
КП-197/2017	0,23	0,18	0,49	0,21	0,21
АЭ №3/2020	0,32	0,23	0,85	0,25	0,27
АЭ №7/2020	0,32	0,31	0,74	0,3	0,22
АЭ №14/2020	0,33	0,29	0,59	0,23	0,23
АЭ №18/2020	0,27	0,23	0,62	0,25	0,2
АЭ №21/2020	0,3	0,24	0,68	0,22	0,31
АЭ №26/2020	0,26	0,19	0,62	0,23	0,18
АЭ №30/2020	0,29	0,23	0,69	0,31	0,14
Ўртача	0,28	0,24	0,68	0,23	0,24

Ўсимликларнинг барг сатҳи индексига қараб фотосинтез соф маҳсулдорлиги ва уларнинг фотосинтетик салоҳияти аниқланади. Тажрибаларда юмшоқ буғдой нав намуналарининг барг сатҳи буғдойнинг бошоқлаш босқичида 261,8-761,8 см² ни ташкил этди.

Назорат кўчатзорида ўрганилган юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг барг кўрсаткичлари ва ҳосилдорлик ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлил қилинганда барг сатҳи билан барг сони ўртасида ($r=0,95$), барг узунлиги билан ўсимлик бўйи орасида ($r=0,53$) ҳамда барг узунлиги ва умумий ҳосилдорлик

ўртасида ($r=0,44$) ижобий корреляцион боғлиқлик кузатилди (5-жадвал). Худди шундай барг эни билан ҳам ижобий боғлиқлик кузатилган бўлса, бошқа кўрсаткичлар билан салбий боғлиқлик мавжудлиги аниқланган.

Юмшоқ буғдой нав ва тизмаларнинг умумий ўртача барг сатҳи кўрсаткичдан (497 см^2) юқори натижа кўрсатган АЭ№26/2020 тизмасида $606,8 \text{ см}^2$, КП-85/2017 тизмасида $599,6 \text{ см}^2$, АЭ№7/2020 тизмасида $594,4 \text{ см}^2$ ва КП-197/2017 тизмасида эса $532,7 \text{ см}^2$ ни ташкил этди.

Тадқиқотларда барг сатҳи билан ҳосилдорлик ўртасидаги ўртача ижобий ($r=0,42$) боғлиқлик мавжудлиги танланган навларнинг иссиқликка ва курғоқчиликка ўртача бардошли навлар эканлигини кўрсатади.

5-жадвал

Назорат кўчатзорида ўрганилаётган юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг барг кўрсаткичлари ва ҳосилдорлик ўртасидаги корреляцион боғлиқлик

	Ўсимлик бўйи, см	Барг сони, дона	Барг сатҳи, см ²	Барг узунлиги, см	Барг эни, см	Ҳосилдорлик, ц/га
Ўсимлик бўйи, см	1					
Барг сони, дона	-0,05	1,00				
Барг сатҳи, см ²	-0,07	0,95	1,00			
Барг узунлиги, см	0,53	-0,09	-0,15	1,00		
Барг эни, см	0,08	0,07	0,06	0,67	1,00	
Ҳосилдорлик, ц/га	-0,18	-0,02	0,42	0,44	0,19	1

Диссертациянинг “Юмшоқ буғдойнинг дурагай авлодларида қимматли хўжалик белгиларининг ирсийланиши” деб номланган бешинчи бобида F_1 - F_3 авлодларида ҳосилдорликни таъминловчи миқдорий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил қилинган.

Юмшоқ буғдой дурагайларнинг F_1 авлодида таҳлиллар натижаларига кўра битта бошоқдаги донлар сони 41,4 та дан 65,3 та гача ташкил этди, дурагай комбинацияларда ижобий ирсийланиш ҳолати таҳлил қилинган 20 та комбинациядан 14 тасида ижобий, 6 та комбинацияда салбий гетерозис ҳолати кузатилган. Энг юқори кўрсаткич F_1 Семуруг х Уманка дурагай комбинациясида ($h_p=+5,07$) донлар сони ўртача 55,7 та, ўзгарувчанлик коэффиценти 9,50%, отадан фарқланиши +5,5; +8,2 та ни ташкил этганлиги аниқланган.

Юмшоқ буғдойнинг F_2 авлодида бошоқдаги донлар сони ўртача 48,6 та дан 55,5 та гача, ўзгарувчанлик коэффиценти эса 6,0 -11,1 гача оралиқда бўлганлиги кузатилган. Бошоқдаги донлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич F_2 Краснодар-99 х Истиклол 20 (55,5 та), F_2 Семуруг х Победа (53,8 та) ҳамда F_2 Семуруг х Безостая-100 (53,5 та) дурагай комбинациясида кузатилиб, ўзгарувчанлик

коэффициенти эса 6,0 дан 10,5% гача тенг бўлган.

6-жадвал

**Юмшоқ буғдой дурагайларининг F₂ бўғинида 1000 дона дон
вазнининг кўрсаткичлари (Ғаллаорол, 2018 й.)**

№	Дурагай комбинациялари	N	X+Sx	S	V%
1	Семуруғ	90	51,2±0,17	1,64	3,4
2	Безостая-100	90	40,5±0,17	1,64	4
3	123/2004	90	43,5±0,20	1,9	4,7
4	Краснодар-99	90	40,6±0,23	2,2	5,5
5	Истиклол -20	90	43,4±0,19	1,83	4,5
6	FAWWON11	90	44,6±0,22	2,14	4,3
7	Замин -1	90	40,5±0,21	2,06	5,1
8	Дустлик	90	40,4±0,16	1,5	3,7
9	Победа	90	41,2±0,15	1,43	4,6
10	Половчанка	90	41,3±0,19	1,14	3,4
11	Уманка	90	39,0±0,10	1,1	2,6
12	Семуруғ х Безостая-100	90	45,9±0,40	3,86	8,4
13	123/2004 х Краснодар-99	90	40,5±0,28	2,69	7,3
14	Краснодар-99 х Истиклол 20	90	43,3±0,48	4,62	11,5
15	FAWWON11 х Замин -1	90	47,2±0,044	4,19	8,9
16	Семуруғ х Победа	90	41,6±0,39	3,73	9,3
17	Дустлик х Краснодар-99	90	43,5±0,57	5,5	13,6
18	Половчанка х Истиклол-20	90	42,4±0,63	6,06	14,5
19	Семуруғ х Уманка	90	45,7±0,36	3,49	7,6


Битта бошоқдаги дон вазни кўрсаткичлари авлодлар бўйича ўртача 1,55-2,56 г. гача кузатилди, шунингдек ушбу авлод дурагай комбинацияларда ижобий ирсийланиш ҳолати F₁ FAWWON11 х Замин -1 дурагайда (hp=+4.48), F₁ Таня х Замин-1 дурагайда (hp=+3.62) ва жами 15 та комбинацияда учраган бўлса, қолган 5 та комбинацияда салбий гетерозис ҳолати кузатилган. Бу ерда энг юқори кўрсаткич F₂ FAWWON11 х Замин-1 дурагайда 1,95 г ҳамда F₂ Половчанка х Истиклол-20 дурагай 1,91 г комбинациясида кузатилиб, ўзгарувчанлик коэффициенти эса 14,9-17,0% гача тенг бўлган бўлса, F₃ авлодга келиб бошоқдаги дон вазни кўрсаткичи Семуруғ х Безостая-100 дурагай комбинациясида кузатилиб (2,52 г.), Семуруғ нави томонга оған ҳолда шаклланганлиги аниқланди.

1000 дона дон вазни кўрсаткичи бўйича F₁ дурагай комбинацияларда асосан ижобий ирсийланиш ҳолати кузатилган. Дурагайларнинг иккинчи (F₂) авлодида юмшоқ буғдойнинг 1000 дона дон вазни бўйича ажралиш жараёни кечиши натижасида ота-она шаклларида кескин фарқланувчи ўсимликлар борлиги кузатилган. 1000 дона дон вазни ўртача 41,6-47,2 г. гача бўлиб, ўзгарувчанлик коэффициенти эса 7,3-14,5% гача ораликда бўлган (6-жадвал).

Юмшоқ буғдойнинг F_1 авлодида ота-она шаклларига нисбатан бошоқ узунлиги белгисининг ирсийланиши ва фарқланиши таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткич F_1 Краснодар-99 х Истиклол 20 комбинациясида бўлиб, ижобий ирсийланиш ($h_p=+13.0$) кузатилди, бошоқ узунлиги 10,5 см ни, ўзгарувчанлик коэффиценти 9,71% ни ташкил этиб, ота-онадан фарқланиши +0,6; 0,7 см ни ташкил этганлиги аниқланган. F_2 авлодида бошоқ узунлиги белгиси бўйича ажралиш жараёни кечиши натижасида ота-она шаклларида кескин фарқланувчи ўсимликлар борлиги кузатилиб, дурагайларнинг ушбу авлодида кўрсаткичлар ўртача 9,3-11,8 см бўлган бўлса, ўзгарувчанлик коэффиценти эса тегишлича 7,1 -14,4% ораликда бўлган.

Диссертациянинг “Нав синаш кўчатзорларида юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари ва хусусиятларини баҳолаш” деб номланган олтинчи бобида селекция, назорат ва рақобат нав синаш кўчатзорларида юмшоқ буғдой намуналарнинг қимматли хўжалик белгилари, занг касаллиги билан зарарланиш даражаси ҳамда лаборатория шароитида иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Селекция нав синаш кўчатзорида 2021-2022 йиллар давомида жами 219 та селекция тизмалари ўсув даври давомийлиги ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича дастлабки баҳолаш таҳилларидан сўнг энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган 11 та тизма танлаб олинди. Танлаб олинган тизмаларида «униб чиқиш-бошоқлаш» даври кўрсаткичлари ўртача 181 кунни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич андоза Замин-1 навида 185 кунни ташкил этди (4-расм).



4-расм. Юмшоқ буғдойнинг униб чиқиш-бошоқлаш даври давомийлиги ва вариацион ўзгарувчанлиги (2021-2022 йй.)

Олинган натижаларнинг статистик таҳиллари Statview дастури орқали амалга оширилганда юмшоқ буғдой тизмаларнинг намуналарнинг униб чиқиш-бошоқлаш даври давомийлиги ўртача кўрсаткичи андоза Замин-1 навида (179 кун) нисбатан 2-6 кун эрта эканлиги кузатилган. Юмшоқ

буғдойнинг ушбу кўчатзордаги тизмаларнинг «бошоқлаш-пишиш» даври ўртача 41,0 кунни, андоза Замин 1 навида эса 42,0 кун эканлиги кузатилди. Статистик таҳлилларга кўра тажрибаларда вариация коэффиценти 0,51-5,28, минимум кўрсаткичлари 38 кунни ташкил этган бўлса, максимум кўрсаткичлари 46 кун эканлиги кузатилди, дастурнинг Mode кўрсаткичи бўйича бошоқлаш-пишиш даври давомийлиги энг кўп кузатилганлари 40 кунни ташкил этганлиги аниқланган.

Селекция кўчатзорида ўрганилган юмшоқ буғдойнинг асосий ҳосилдорлик элементлари ҳисобланган битта бошоқдаги дон сони ва вазни, 1000 дон дон вазни каби ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича баҳоланган (7-жадвал).

